


**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**SPEECH REALIZATION OF GRAMMATICAL DEVICES IN THE WORKS OF OLMAS UMARBEKOV****Malika Khamidova**

researcher

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [mirkomilatavullayev83@gmail.com](mailto:mirkomilatavullayev83@gmail.com)**ABOUT ARTICLE**

**Key words:** poetic speech, artistic speech, historical-etymological layer, thematic-semantic group, unity-occasionality.

**Received:** 08.09.23**Accepted:** 10.09.23**Published:** 12.09.23

**Abstract:** the article describes the development of the research of artistic speech, the static description of lexical units, the historical-etymological layers, thematic-semantic groups, and the unique-occasional features of form and meaning. This tradition deals with the issues of defining the idiolect of any creator, creating a dictionary of the creator's works and analyzing it in other - linguopoetic, linguocognitive aspects.

**ЎЛМАС УМАРБЕКОВ АСАРЛАРИДА ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ****Малика Хамидова**

тадқиқотчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [mirkomilatavullayev83@gmail.com](mailto:mirkomilatavullayev83@gmail.com)**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** поэтик нутқ, бадий нутқ, тарихий-этимологик қатлам, мавзувий-семантик гуруҳ, узуаллик-окказионаллик.

**Аннотация:** мақолада бадий нутқнинг тадқиқи таракқиёти иждокор индивидуал нутқи лексик бирликларнинг статик тавсифи, тарихий-этимологик қатламлари, мавзувий-семантик гуруҳлари ва шакл ҳамда маънодаги узуаллик-окказионаллик хусусиятлари тавсифланади. Бу анъана ҳар қандай иждокор идиолектини аниқлаш, иждокор асарлари луғатини тузиш ва уни бошқа - лингвопоэтик, лингвокогнитив аспектларда таҳлил қилиш масалалари хусусида сўз юритилади.

РЕЧЕВАЯ РЕАЛИЗАЦИЯ ГРАММАТИЧЕСКИХ АППАРАТОВ В  
ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ОЛМАСА УМАРБЕКОВА**Малика Хамидова**

Исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [mirkomilatavullayev83@gmail.com](mailto:mirkomilatavullayev83@gmail.com)

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** поэтическая речь, художественная речь, историко-этимологический слой, смысловая группа, окказиональность.

**Аннотация:** в статье описывается развитие исследования художественной речи, статическое описание лексических единиц, историко-этимологических слоев, тематико-семантических групп, однозначно-окказиональных особенностей формы и значения. Эта традиция занимается вопросами определения идиолекта любого творца, создания словаря произведений творца и его анализа в других - лингвопоэтическом, лингвокогнитивном аспектах.

## КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида бадий нутқнинг тадқиқи тараққиёти узоқ бўлмаган, аммо бирмунча, самарали тарихни босиб ўтди. Бугунги кунда бу борада монографик характердаги қатор тадқиқотлар мавжуд ва уларнинг аксарияти диссертацион ишлар. Хусусан, ўзбек тилшунослигида Б.Умуркулов ўзининг “Поэтик нутқ лексикаси” номли монографик тадқиқотида бу ҳақда фикр юритар экан, бадий нутқ хусусиятини ўрганишга бағишланган ишларни характерли хусусиятига кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкинлигини таъкидлайди:

- “1. Бадий адабиёт тилини ўрганишнинг умумий масалаларига доир ишлар.
2. Бадий асар тилини лингвистик аспектда ўрганишга доир ишлар.
3. Бадий асар тилини адабиётшунослик аспектида ўрганишга доир ишлар.”

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ижодкор поэтик нутқини лингвистик аспектда таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотларнинг аксарияти мумтоз ва замонавий адибларимиз индивидуал бадий нутқи хусусиятларига бағишланган, улар ўзбек тилшунослигида талай. Бундай ишларни тўртга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) поэтик нутқнинг фонетик хусусиятларига бағишланган ишлар;
- 2) поэтик нутқнинг морфологик хусусиятларига бағишланган ишлар;
- 3) поэтик нутқнинг лексик хусусиятларига бағишланган ишлар;
- 4) поэтик нутқнинг синтактик хусусиятларига бағишланган ишлар.

Ўзбек тилшунослигида индивидуал поэтик нутқнинг лексик хусусиятларига бағишланган ишлар салмоқли. Бунинг сабаби ижодкор лексикани, сўз қўллашдаги маҳорати адиблар маҳорати ва истъоддини белгиловчи мезонлардан бири бўлиб хизмат қилиши. Ижодкор индивидуал нутқи лексикасига бағишланган ишларда қўлланган лексик birlikларнинг статик тавсифи, тарихий-этимологик қатламлари, мавзувий-семантик гуруҳлари ва шакл ҳамда маънодаги узуаллик-оқказионаллик хусусиятлари тавсифланади. Бу анъана ҳар қандай ижодкор идиолектини аниқлаш, ижодкор асарлари луғатини тузиш ва уни бошқа - лингвопоэтик, лингвокогнитив аспектларда ўрганишнинг пойдевори. Морфологик шаклларнинг қўлланиши хусусияти таҳлили асосида ҳам ижодкор индивидуал услубини баҳолаш имкони мавжуд. Матнларда турли туркум сўзларининг фаол ва ўз ўрнида қўлланилиши ҳам алоҳида коммуникатив ва прагматик мақсадларнинг таъминланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аниқловчи вазифасида деярли барча мустақил сўз туркумлари кела олади, бироқ қайси бири қайси ҳолатларда таъсирчан ифодани таъминлаши мавҳум. Шу ўринда қуйидаги матнга диққат қиламиз:

Адам ҳақиқатан ҳам жаннати одам эдилар, -ўйлади ўзича ариқ лабида ўтирган Зухра.- Потий сен ҳам жаннатда бўласан. Ойимлар ўшатта бўлсалар керак. Болаларининг роҳатини кўрмай кетганлар жаннатда бўлади, deyishadi.Ular jannatdalar.Poti, биламан, сен уларни дарров топасан.Бирга бўласизлар.Фақат мен бу ёқда ёлғизман.Sen билан, сизларнинг ёнингизда бўлишни қанчалик истаётганимни билсанг эди!...Энди қандай яшайман?Лекин яшашим керак.Agar мен ҳам кетсам, ҳеч қандай из қолмайди.Биламан,тўғри деяпсан.Биздан из қолдир. Одамлар Фотима-Зухраларни билишсин, уларнинг ота-оналарини билишсин. Баракалла, шундай яхши одамлар бор экан дейишсин.Отасига раҳмат, онасига раҳмат дейишсин, деяпсан.Топдимми, Потти? Айтганингни қилман.Agar мен ҳозир орқаларингдан кетсам, сени зўрлаганлар, адамнинг қотиллари чапак чалишади. Сизларнинг ўчингизни оламан.Коърасан улар ҳали кўп пушаймон ейди.

“Зухра!” – деб ёзди у. -Мендан бир зумгина кичкина синглим, дилкаш ўртоғим, ақлигим меҳрибоним! Мени кечир. Хайрлашмай кетяпман. Адамлар ҳам мени кечирсинлар, айт.

Раҳимларникидан қайтаётганимда қиморбозлар мени ўғирлаб кетишди. Зангори “Жигули” да (рақамини кўролмадим) қаёққадир, қишлоғимизнинг четидаги бир ҳовлига олиб бориб, катта, қоронғу хонада зўрлашди.Ular уч киши edi.Nech қайсисини танитайман.Биттасининг , бошлиқлари бўлса керай, лақаби “Қийшиқ” . Кулганида лаблари бир томонга тортилиб кетади.

Иккинчиси – йўғон овозли, гавдали одам. Рулда ўтирган шу.Бошимга рўмол ташлаб буғганининг бирорта белгисини айтолмайман.

Зухра, уларга кучим yetmadi. Yana тўртинчиси ҳам бор. Унинг овози кулоғимда қолди. Ҳовлидан эшитилди унинг ovozi. Bu овоз акамнинг овози edi. Agar адашган бўлсам, кечир. Худодан ҳам кечиришини сўрайман. Акам ҳам кечирсин. Энди менга бу дунёда ҳаёт йўқ. Яшолмайман. Мени хўрлаганлардан ўч ол, демайман. Йўқ, ўзингга эҳтиёт бўл. Yoʻlgʻyiz юрма. Адамларни ёлғиз қўйма. Турмуш қурсанг, шу уйда, адамиз ёнида қур. Агар нариги дунёда ҳаёт бўлса, оймларни топаман. Икковимиз сенга бахт. Узоқ умр тилаймиз. Узоқ-Узоқ йиллардан кейин учрашганимизча хайр. Молхонага адам билан бирга кир. Яхшиси, кирма, адам кирсинлар. Тезроқ кирсинлар. Қоронғидан қўрқаман. (Ўлмас Умарбеков. “Фотима ва Зухра”[2]).

Ажратиб кўрсатилган сўзлар, таъкидлангани каби, сифат сўз туркумига мансуб бўлиб, биргина ўринда ҳаракат белгисини ифодаловчи равиш сўз иштирок этмоқда. Мисолдан аёнки, хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар тавсифий матнларда кўпроқ қатнашиши ва узатилаётган ахборотнинг таъсирли бўлишини таъминлаб бериши табиий.

Муаллиф тасвирий мақсаддан бошқасига ўтганда сўз туркумларининг нутқда иштирок этиш кўлами, частотаси ҳам ўзгариб боради. Ушбу ҳолатни Ўлмас Умарбековнинг “Оламушук” ҳикояси қаҳрамони Зайнобиддин Омонов тилидан айтилган қуйидаги бирликларга эътиборни қаратсак: Лекин Зайнобиддин Омонов унинг ловуллаб ёниб кетишига йўл қўймайди. **Ғиншиган пайтидаёқ** дарҳол қўлига бирон нарса тутди. Шаҳарда топилмайдиган нарса четда албатта топилади. Шунинг учун қаерга бормасин, доим чўнтагида олиб юрадиган, хотинининг ўзи тузиб берган **буюртмалар рўйхатидан** бирон нарса олиб келади. Бечора Хурсандхон. Бирпасда ҳовридан тушади. Эрини кучоқлаб ўпган бўлади-да, нарсани кўтарганича ўз хонасига кириб кетади. Нарса лойиқ келса, ёқса, ундан бахтли одам йўқ. Зайнобиддин Омонов ҳеч ташвишланмай яна сафарга тайёрланаверса бўлади. Хурсандхон йўлини тўсмайди. Алдагани бола яхши, деб тўғри айтишган[3]. Мазкур матнда ҳолатни ифодаловчи тил бирликларининг фаоллашгани кўзга ташланади. Муаллиф асабийлашмоқ лексик бирлиги ўрнида атайлаб **Ғиншиган пайтидаёқ** бирлигини қўлламоқда. Агар ёзувчи асабийлашганда ёки жаҳли чиққанида дея таърифлаганда матннинг таъсирчанлиги, нутқий вазиятнинг ифодаси муайян даражада ўзгарар эди.

Шу ўринда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот жараёнида тил бирликларининг иштирокини мисоллар орқали таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз:

Холпошшанинг дадаси ўғай онаси билан бозордан янги палто, этик олиб келиб беришди. Этик баланд қўнжлик, ичи жун, иссиқ эди. Ранги ҳам чиройлик, пальтосига ўхшаган оч қизил. Аммо палто алламбало эди. Ёқалари кенг, тиккатик, қайтарма чўнтаклари катта. Қизини янги кийимда кўриб, дадасининг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Она қизим!.. — деди у ва кучоклаб пешонасидан ўпди.

— Умрингиз узоқ бўлсин, катта қиз бўлиб шунақа палтолардан қўша-қўша кийинг! — деди ўгай онаси унинг елкасига қоқиб.

— Шундай кўрдим-у, маҳкам ёпишдим! Дадангиз ҳам савдолашиб ўтирмадилар, сўраганини бердилар-қўйдилар. Бўлмасам бошқалар илиб кетарди!...

— Раҳмат, — деди уялиб Холпошша ва эшик ёнидаги тош ойна олдига бориб ўзига қаради. Ҳеч ким уни олтинчи синф ўқувчиси демасди янги кийимда. Камида тўққизинчи синф ўқувчиси, кап-катта қиз дер эди.

— Кўчага чиқиб келсам майлими? — сўради у ойнадан кўз узмай.

— Боринг, тасаддиқ, айланиб келинг, — деди ўгай онаси.

Мазкур матнда нутқ вазияти қариндошлар ўртасида қондошлик масаласидаги мунозарага бағишланган, шу сабабли бу ерда от сўз туркуми бошқа сўз туркумларига қараганда кўп, айниқса, шахс отлари. Мулоқот шакли диалог бўлгани сабабли матнда отлардан кейинги фаоллик олмошларга, кейинги ўрин феъл сўз туркумига тегишлидир. Демак, мазкур вазиятда ҳаракат эмас, шахс ёки шахсият муҳимроқ.

Энди ҳикояларда нутқ вазияти – фикр мавзуси ўзгармоқда. Шу ўринда, ҳикоялар матнида сўз тартиби масаласини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Зеро, гапдаги сўзлар тартибининг ўзгариши ҳам кўплаб услубий-экспрессив ўзгаришларга олиб келади. Фикрнинг муайян нуқтаси урғуланса, матн мазмуни бошқа тарафга ўзгариши ҳам мумкин.

Обиджон ака куёвларини ҳам мақтади!

— Барака топишсин куёвларим! Ҳаммаси чопиб-чопиб хизмат қилишди, — деди у гап орасида йирик қўллари билан кўкрагини силаб, — Содикжон ҳам, Ҳафиз ҳам тиним билишмади.

— Илгаридан улар шунақа, — Зайнабхон эрига бошқача меҳр билан қараб қўйди. —

**Иннайкейин** сиз ҳар куни олтмишга қирармидингиз?

— Барибир барака топишсин. Ўзимга келиб олай, бир иккаловини қизларинг билан чақираман, ўтиришамиз. Нима дединг?

— Нима десангиз шу.

Зайнабхон пулларни қийикқа ўраб, эрининг ёстиғи тагига қўйди.

— Нима қияпсан?

— Менда турса, ишлатиб қўяман, — кулди Зайнабхон.

— Ишлатавер. Сеники шу пул, — Обиджон ака тугунни қайтариб, хотинини юзидан ўпиб қўйди. — Айтгандай, ўғлинг, Санжар кўринмай қолдими?

— Вой уям роса хизмат қилди. Эътибор бермагансиз-да (Ўлмас Умарбеков, Гаров.)  
[4] Алоҳида белгилаб кўрсатилган жумлалар таркибида гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгармоқда.

Асар матнида Зайнабхон томонидан эрини авайлаб, эркалаброқ койиш маъносини ифодаловчи тил бирликлари қўлланилган. Бу ҳам муаллифга хос бўлган муҳим бир устунликдир:

Таъкидлангани каби, асар ўқувчига аниқ тасаввур бера олиши керак. Қуйидаги парчани лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда асосий эътиборни насрий асарларда бўлгани каби киритмаларга қаратиш тўғри бўлади: Зайнабхон ётоқхонадан чиқиб, залга ўтди, ундан ўғлининг хонасига кирди. Қоронғу бўлганидан ўғлининг бор-йўғлигини билолмади. Тимирсикилаб юришга ботинмай, чирокни ёқди. Кроват бўм-бўш эди. Зайнабхон эзилиб кетди. Аввало эрига ҳозир у ёлғон гапирди. Қолаверса, шундай муборак кунда Санжар номигагина хизмат қилиб, кейин ғойиб бўлиб қолди. Нега бу бола бунақа чикди? Ундан кўркмайди, ваъдасида турмайди. **(Айтсаммикан ота-сига? Йўғ-е, шундай кунда-я?)**

Обиджон ака уйғоқ эди.

— Ётибди эканми? — сўради у.

Нима десин?

— Ётибди. Сиз ҳам ухланг, **(Зайнабхон эри томонга қарашга уялиб, ўрнига чўзила қолди).**

— Энди уйқу келармиди? Ҳали замон тонг ҳам отиб қолади. Кундузи ухларман. Эртага ишга бормасам ҳам бўлар? Ҳарҳолда юбилярман-ку.

Обиджон ака кулди. Зайнабхон ҳам жилмайди. Аммо хаёли яна ўғлига қочди: **(“Қаёқда юрганийкин?” У ҳам эрига ўхшаб энди ухлолмаслигини биларди).** Ҳозиргина ундан бахтли, ундан тинч одам йўқ эди. Ўғлининг қайтмаганини кўриб, ҳаловати йўқолди. «Ёлғиз ўғил — эрка ўғил». Зайнабхон ким шундай деганлигини эслашга уринди, аммо тополмади. (Ўлмас Умарбеков. “Гаров”)

Ажратиб кўрсатилган тил бирликлари – киритмалар ўқувчига Зайнабхоннинг табиати ҳақида ишончли маълумотлар беради. Зайнабхоннинг **айтсаммикан ота-сига? Йўғ-е, шундай кунда-я?** деган жумласидаги шундай сўзи орқали бу можаро ота ва ўғил ўртасида доимий содир бўлиб туриши англашилади. Муаллиф бу ҳолат орқали адресатга ота ва ўғил муносабатлари аввалдан жуда таранг бўлган деган маълумотни англатади. Ўғил ва ота муносабатида уларнинг ҳаракат ва ҳолатлари кўнгилдагидек тасвирланиши учун муаллиф томонидан зарур тайёргарлик кўрилган, грамматик воситаларгача мазкур нутқий вазиятнинг тўла ифодаланишига хизмат қилдирилган:

Эрининг хаёли нималарга кетганини сезиб, Зайнабхон таклиф қилди:

— Қизларни **чақирайми**?

— **Айтамизми**?

— Вой айтмай бўладими? Ҳафиз, Содикжонлар қидириб **юришибди-ку** Санжарни.

Кейин иккаловларидан шунча пул чиқиб қолар?

— Майли.

Зайнабхон телефонга ёпишди.

— Йўқ, тўхта, — Обиджон ака унинг қўлидан ушлади. — Тонг отсин. Ўғлинг тирик.

Шундан хурсанд бўлишимиз керак. Бу бир. Иккиламчи, кетини ўйлаб иш қилишимиз керак.

Пул масаласига келсак... кечаги конвертларикки ярим миллионмиди? Демак, чўнтакларни қоқиштирадик, уч миллион ўзимиздан чиқади. Яна беш миляон топиш керак. Бунча куёвларда йўқдир, сўраб уялтирмайлик. Рауфхўжага машинани сотамиз. Нима дединг?

— Ўзингиз биласиз. Ишқилиб, алдашмасмикин? Обиджон ака гапни тушунди.

Асар матнларида ёрдамчи сўз туркумларидан ҳам самарали фойдаланилган. Қуйидаги парча мисолида муаллифнинг ёрдамчи сўзлардан фойдаланиш маҳоратига гувоҳ бўламиз, асарнинг бадиий қимматини оширишда, бадиий ниятнинг ўқувчига тушунарли тарзда бўлишини таъминлашда ёрдамчи сўзларнинг матн таркибидаги ўрни ва аҳамияти юқори эканлиги кўринади.

## ХУЛОСА

Эътибор берилса, матнда ёрдамчи сўзлардан фақат юкламалар қўлланилган. Кўмакчи ҳам боғловчи ҳам қўлланилмаган. Юкламалар нутқ жараёнида бошқа ёрдамчи сўзларга нисбатан фаол қўлланилади. Таъкидлаш керакки, кўпчилик юкламалар нутқ жараёнида эрка қиз томонидан отасига нисбатан ишлатилган. Прагматик муносабатларнинг аксарияти ҳам шу юкламалар орқали юзага чиқарилган, чунки улар тахмин, гумон, сўроқ, таажжуб, таъкид, тасдиқ, айириш ва чегаралаш, ўхшатиш каби бир қатор модал маъноларни юзага келтиради. Шу жиҳатдан ҳам бу ўринда мазкур ёрдамчи сўз тури аҳамиятлидир. Бизнингча, матнни бириктирув боғловчиларисиз тасаввур қилиш мумкин, аммо нутқнинг шаклланиши ва фикрий ифодалар кўшимча маъно ва муносабатларни ифодаловчи юкламаларни тақозо қилиб туради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990.
2. Умарбеков Ў. “Фотима ва Зухра” асар «Янги аср авлоди», 2005.
3. Умарбеков Ў. “Оламушук” ҳикоя. 1994.
4. Умарбеков Ў. “Гаров” ҳикоя 1994 йил